ҒАЛЛА ЎРИМИГА УЮШҚОҚЛИК БИЛАН КИРИШАЙЛИК

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ИИЛ ЧИҚИШИ | № 109 (4825). | 6 июнь, 1973 йил, ⊙ ЧОРШАНБА | Баҳоси 2 тийин

ҚАРДОШЛИК САЛОМИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. Подгорний ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Косигин Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг раиси, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати маслаҳат кенгашининг раиси доктор Нгуен Хиу Тхога ва Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати раиси доктор Хюнь Тан Фатга телеграмма юбордилар.

Телеграммада бундай дейилади:

«Жанубий Вьетнам Республикасининг Муваққат революцион ҳукумати ташкил топган куннинг 4 йиллиги муносабати билан совет халқи номидан ва шахсан ўз номимиздан Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитетига, маслаҳат кенгашига, Муваққат революцион ҳукуматига ва Жанубий Вьетнамнинг қаҳрамон халқига қизғин қардошлик саломи ва самимий қутловларимизни йўллаймиз.

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Миллий озодлик фронти Марказий Комитети ва Муваққат революцион ҳукумат раҳбарлигида империалистик агрессияга қарши курашда жуда катта муваффақиятларга эришдилар.

Вьетнамда урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисида Парижда имзоланган битим тарихга халқларнинг озодлик, миллий суверенитет ва социал тараққиёт йўлидаги курашида муҳим босқич бўлиб, Вьетнам халқининг катта ғалабаси, бутун планетадаги тараққийпарвар ва тинчликсевар кучлар жанговар бирдамлигининг ғалабаси бўлиб киради.

Пролетар интернационализми принципларига содиқ бўлган совет кишилари Вьетнам ватанпарварларини сабот билан қўллаб-қувватлаб келдилар ва бундан буён ҳам доим қўллаб-қувватлайберадилар. Совет халқи Муваққат революцион ҳукуматнинг Жанубий Вьетнам ички проблемаларини ҳаққоний тарзда ҳал этишга, халқаро майдонда ўз обрўсини оширишга қаратилган ижобий тадбирларини тўла-тўкис маъқуллайди.

Миллий озодлик фронтининг, Муваққат-революцион ҳукуматининг ва Жанубий Вьетнам халқининг Париж битимини амалга оширишда ва ўз миллий орзу-тилакларини рўёбга чиқаришда янгидан-янги муваффақиятларга эришувини астойдил тилаймиз.

Яшасин Совет Иттифоқи ва Жанубий Вьетнам халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва қардошларча бирдамлик!».

ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

4 июнда Москва экранларига чиқарилган махсус кинофильм тарихий воқеага — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси ўртоқ Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визитига бағишланди.

Фильм Леонид Ильич Брежнев сафарининг жуда катта халқаро аҳамиятини, унинг кескинликни юмшатиш ишига, тинчлик ва тараққиёт ишига шахсан қўшган катта ҳиссасини очиб беради.

Томошабинлар Л. И. Брежневнинг федерал канцлер В. Брандт билан ўтказган амалий суҳбатларини, ГФР президенти Г. Хайнеман билан учрашганлигини акс эттирувчи кадрларни кўрадилар. Экранда савдо-саноат доираларининг вакиллари билан учрашувлар, Германия Коммунистик партияси, Ғарбий Германия касаба союзларининг раҳбарлари билан бўлган ўртоқларча суҳбат кўрсатилади.

Картинада СССР билан ГФР ўртасидаги битимларнинг имзоланиши ҳамда визит якунлари тўғрисида томонларнинг қўшма баёнотни имзолаш маросими кўрсатилган. Бу битим ва баёнот СССР билан ГФР ўртасида яхши қўшничилик муносабатларининг янги истиқболларини очиб беради.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг келиши муносабати билан ГФР демократик партиялари ва ташкилотлари Боннда ўтказган оммавий намойиш вақтида суратга олинган кадрлар таъсирли чиққан. «Совет Иттифоқи билан дўстлашайлик, Европа хавф-хатарсиз бўлсин, мамлакатимизнинг мустаҳкам тинчлиги учун курашайлик!» деган шиор остида ўтган ушбу намойишда қариб 50 минг киши қатнашди.

Фильм КПСС XXIV съезди қабул қилган тинчлик программасининг улуғвор ҳаётий кучини намойиш қилади, миллионмиллион кишилар Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаётганликларидан далолат беради.

«Л. И. Брежневнинг ГФРга визити» деган махсус рангли кинофильм ҳужжатли фильмлар марказий студиясида яратилди. Операторлар А. Истомин, И. Филатов фильмнинг авторларидир.

(ТАСС).

ЯНГИЙЎЛ. «Лениннизм» колхозида кейинги ҳафтада сувчиларнинг сони кескин кўпайди. Ғўзани суғориш икки сменада олиб бориляпти. Бу эса ўсимликларни тез ва бегубор ўсишини таъминламоқда. Исмоил Эгамбердиев, Сулайман Мадалиев каби сувчиларнинг фидокорона ишлашлари сабабли ғўзалар 7—8 барг чиқариб қолди. Су ратда: (чапдан) — И. Эгамбердиев, С. Мадалиев ўртоқлар.

А. Абалян фотоси.

Юқори Чирчиқ районидаги „Гулистон" колхозининг 1973 йилда дон етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан белгилаган ТАДБИРЛАРИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Область партия комитетининг бюроси Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхозининг 1973 йилда дон ҳосили етиштиришни ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан белгилаган тадбирларини маъқуллади.

Область қишлоқ хўжалик бошқармасига, совхозлар трестларига, «Узсельхозтехника» бирлашмасига, район ижроия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига «Гулистон» колхозининг тадбирлари асосида 1973 йилда дон етиштиришни ва тайёрлашни ошириш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб чиқишни топширди.

Область ва район газеталари редакцияларига, область радио эшиттириш комитетига колхоз ва совхозларнинг белгилаган тадбирларининг амалга оширилишини кенг ёритиб бориш топширилди.

Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхозининг ғаллакорлари КПСС XXIV съезди қарорларини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг «Республика колхоз ва совхозларида 1973—1975 йилларда дон етиштиришни янада кўпайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини, шунингдек область ғаллакорларининг шу йил март ойида бўлиб ўтган кенгашида қабул қилинган мажбуриятларини амалга ошираборий, беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида 3825 тонна дон, шу жумладан, 3600 тонна бошоқли дон ва 225 тонна маккажўхори донни етиштиришга аҳд қилдилар.

2400 гектар баҳорикор ернинг ҳар гектаридан камида 15 центнердан, планда белгиланганидан 4 центнер ортиқ дон ҳосили олинади. Пландаги 1070 тонна ўрнига 3600 тонна бошоқли дон ҳосили, шу жумладан 1334 гектар бугдойзордан 2010 тонна бугдой олинади. Пландаги 610 тонна ўрнига давлатга 1110 тонна дон сотилади, шунингдек хўжаликни келгуси йилда ўз уруғлиги билан тўлиқ таъминланади ва чорвачилик учун етарли миқдорда дон тайёрланади.

Ғаллакорлар ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини бажариш учун бир қатор тадбирларни амалга оширдилар ва кўпларини амалга оширишни мўлжаллаб қўйдилар.

Барча ғалла экилган майдонлар апрель ойи давомида тупроқда ҳаво алмашиш режимини яхшилаш мақсадида борона қилинди, бегона ўтлардан тозаланди, ўсишдан кечикаётган экинлар азот билан озиқлантирилди.

Ғалла экинларига бошоқ чиқариш ва суғориш даврида қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларга қарши заҳарли химикатлар сепилди.

Тўлиқ гектар бўлишини таъминлаш ва ёнғин чиқишига йўл қўймаслик мақсадида экинлар сутдумбуллик пайтида дала четлари, айниқса серқатнов йўл бўйлари ҳайдаб қўйилди. Ҳамма участкаларга, шунингдек белгиланган жойларда ёнғинга қарши белгилар, постлар ва кузатувчилар қўйилди. Ёнғинга қарши барча техника ва инвентарь (плуг тиркалган тракторлар, ўт ўчириш асбобускуналари ва ҳоказо) тўлиқ тахт қилиб қўйилди. Май ойида 8 та ўзиюрар комбайн ремонт қилинди. 10 июнга қадар бу комбайнлар юргизиб ишлатиб кўрилади, махсус комиссия уларни акт билан қабул қилиб олади. Икки сменада ишлаш учун комбайнчилар тайёрланади.

2400 гектар ердаги ғаллани ўн беш иш кунида ўриб-йиғиб оламиз. Комбайн, дон ташийдиган ва тозалайдиган машиналарнинг икки сменада (кечаси ва кундузи) ишлашини таъминлаймиз.

10 июнга қадар хўжаликдаги барча дала йўллари, кўприклар, тош-торозилар ремонт қилинади, дон тўкиладиган хоналар ва омборлар дизенфекциядан чиқарилади. Дон қабул қиладиган, тозалайдиган ва уруғлик дон тайёрлайдиган кишиларни белгилаш, шунингдек, 8-10 иш кунида давлатга 1840 тонна дон топширишни таъминлаш мақсадида зарур ишчи кучи ажратилади.

Ғаллакорларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ва нормал дам олишни ташкил қилиш мақсадида учта дала шийпони, шу жумладан бевосита дон ўрим-йиғимида банд бўлган комбайнчилар, шоферлар ва бошқа колхозчилар учун битта кўчма дала шийпони жиҳозланади. Ўз зиммаларига шахсий социалистик мажбуриятлар олган комбайнчилар ва бошқа колхозчилар учун дала шийпонларида кўрсаткич тахталарга мавсумий мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлиги ҳар куни ёзиб борилади. Комбайнчилар ўртасида социалистик мусобақанинг қандай бажарилаётганлиги акс эттирилади, меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш шартларини ёритиб борилади, газета в журналларнинг ўз вақтида келиб туриши, радио ва телевизор бўлиши таъминланади, дам олиш хоналари тўлиқ жиҳозланади. Дала шийпонларида тўрт марта иссиқ овқат ташкил қиламиз.

Ғалла ўрим-йиғими даврида донни тўғри ҳисобга олиш, контрол қилиш ва ҳар бир комбайндан чиқаётган донни тўғри киримга олиш, галла таёрлаш пунктларига жўнатиш, омборларга келтириб тўкиш, донни ташиш ва топшириш вақтида нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун коммунистлар, комсомоллар, халқ назоратчилари, мутахассислар ва колхоз активларидан бутун сутка давомида навбатчилар қўйилади.

Ғаллани ўриш-йиғиш билан бир қаторда сомон пешма-пеш ташиладиган ва ғарамланади. Ғалласа ўриб олинган далаларни кўзги дон экишга тез тайёрлаш мақсадида дарҳол ерни ҳайдашга киришамиз.

Биз «Ғалла ўрим-йиғими илғорлари» деган учта вимпель ташкил қилдик, шу билан бирга пул мукофоти ҳам берилади.

Ғалла ўрим-йиғимида банд бўлган кишиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш учун ғалла ўрим-йиғими оммавий бошланган биринчи ўн кунликда меҳнатга 40 процент, иккинчи ўн кунликда эса 20 процент ошириб ҳақ тўланади.

Ғалла ўрим-йиғими тугалланиши билан энг яхши ғаллакорлар қимматбаҳо совғалар билан мукофотланади. Бундан ташқари мавсумий нормасини ошириб бажарган комбайнчилар ва бошқа колхозчиларга бепул дон берилади. Комбайнчиларга 3 центнердан, конбайнчи ёрдамчисига 2,8 центнердан, шофер ва транспорт тракторларида ишловчи механизаторларга 2,3 центнердан ва ўрим-йиғимда банд бўлган бошқа колхозчиларга 1,5 центнердан дон мукофотга берилади.

Бу тадбирлар хўжаликдаги барча ғаллакорлар иштирокида колхоз правленнеси ва партия ташкилоти ва актив йиғилишида муҳокама этилиб қабул қилинган.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПИЛЛА ТОПШИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЙЛ 5 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи стун — бир кунда топширилган, иккинчи стун — мавсум бошидан бери.

Оққўрғон	0,2	122,8
Бекобод	—	119,1
Ўрта Чирчиқ	0,2	114,6
Бўка	0,3	112,5
Оҳангарон	3,6	108,8
Пискент	—	106,0
Чиноз	—	102,6
Янгийўл	0,2	102,0
Калинин	0,3	100,8
Оржоникидзе	0,2	99,6
Юқори Чирчиқ	3,6	95,7
Бўстонлиқ	4,0	73,4
Область бўйича:	0,9	105,4

Ҳурмат тахтаси

ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ ОШИРИБ БАЖАРГАНЛИКЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ХЎЖАЛИКЛАР ОБЛАСТЬ «ҲУРМАТ ТАХТАСИ»ГА ЁЗИЛДИЛАР.

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ БЎЙИЧА

Ботинцев номли колхоз (раиси **Б. Сулаймонов**, партия ташкилотининг секретари **А. Мулуков**, ипакчилик бўйича агротехник **Ғ. Оқбўтаев**). Бу колхоз 9740 килограмм ўрнига 10517 килограмм пилла тайёрлади ва давлатга топширди. Йиллик пилла тайёрлаш планини 108 процент бажарди.

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Северний маяк» колхози (раиси **А. В. Ни**, партия ташкилотининг секретари **А. Ҳасанов**, ипакчилик бўйича агротехник **А. Кулагина**). Бу колхоз 4150 килограмм ўрнига 5154 килограмм пилла тайёрлади ва давлатга топширди. Йиллик пилла тайёрлаш планини 121,2 процент бажарди. Пландан ташқари давлатга 500 килограмм пилла сотиш мажбуриятини олди.

БОЛГАРИЯЛИК ДЎСТЛАР ТОШКЕНТДА

Болгария Халқ Республикасининг Хасково округи меҳнаткашлари билан Тошкент область меҳнаткашлари ўртасида кўп йиллардан буён қардошларча дўстона алоқалар давом этиб келмоқда. Улар бир-бирларига тез-тез делегациялар юбориб туришади, ўз бой тажрибаларини ўзаро ўртоқлашишади. Куни кеча Болгария Халқ Республикасининг Хасково округи делегацияси партия ва хўжалик ишлари тажрибаларини ўрганиш учун Тошкентга келди. БКП Хасково округ комитетининг секретари Петр Сулев бошчилик қилаётган делегация Тошкент ва областимизда бир неча кун меҳмон бўлиб, саноат корхоналари, қурилишлар, колхозлар ва бошқа муассасаларга борадилар. Ўзбекистонинг диққатга сазовор жойлари билан танишадилар.

Суратда: Хасково округи делегацияси Тошкент аэропортида. Чапдан ўнгга — Хасково шаҳар тўқимачилик комбинати партия ташкилотининг секретари Петко Христев, БКП Свиленград шаҳар комитетининг биринчи секретари Анастас Метларов, Хасково округи хотин-қизлар комитетининг раиси Кристина Василева, БКП Хасково округ комитетининг секретари, делегация раҳбари Петр Сулев, Димитровград шаҳар аграр-саноат комплекси партия секретарлари Советининг раиси Дончо Николов.

А. Абалян фотоси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1973 йил 3 июнда Париж чеккасидаги Ла-Бурже аэродроми яқинида ТУ—144 совет самолёти намойиш парвозини адо этиш пайтида Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРда хизмат кўрсатган синовчи учувчи М. В. Козлов, синовчи учувчи В. М. Молчанов, самолёт штурмани Г. Н. Баженов, бош конструктор ўринбосари, генерал-майор — инженер В. Н. Бендеров, етакчи инженер Б. А. Первухин, бортинженер А. И. Дралин ҳалок бўлганликларини чуқур қайғу билан маълум қилиб, ҳалок бўлганларнинг оилаларига ва қариндош-уруғларига таъзия билдирадилар.

ТАЪЗИЯ ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

Франция Бош министри П. Месмер СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинга ТУ—144 самолётининг фалокати муносабати билан телеграмма юбориб, шахсан ўз номидан ҳамда Совет Иттифоқининг ҳавода ва коосмосда эришган ажойиб муваффақиятларига қойил қолган кўпдан-кўп французлар номидан ҳамдардлик изҳор этди.

Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Франция бош министри П. Месмерга юборган телеграммасида ТУ—144 самолёти ҳалокатга учраган районда бўлган француз гражданларининг ҳалокати муносабати билан Совет ҳукуматининг чуқур таассуфини изҳор этди. Телеграммада ҳалок бўлган кишиларнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига таъзия ҳамда зарар кўрганларнинг ҳаммасига ҳамдардлик билдирилади. (ТАСС).

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"

МУСОБАҚА ШАРТЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

1971 – 1975

ЗАРБДОР ЙИЛДА — ЗАРБДОР МЕҲНАТ

● ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинатида беш йиллик ҳал қилувчи йил топшириқларини ва умуман тўқизинчи беш йиллик планларини бажариш юзасидан қўшимча мажбуриятлар олиб ишлаётганлар кўплаб топилади. Шу корхонанинг энг илғор таппаббускорлари Л. Казанцева ва Е. Губиналар бошлаб берган оммавий ҳаракатга қўшилганлар орасида сиз суратда кўриб турган мана шу қизлар ҳам бор. Улар ҳал қилувчи йилда зарбдорчасига меҳнат қилиб, йиллик программани муддатидан анча барвақт бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) — ип йигирувчи Раҳбар Аҳмедова, ип ўровчилар Нина Окунова ва Фотима Эсболова, ип йигирувчи Зинаида Шчедрина, силлиқловчи Антонина Павлова, тикувчилар Мамлакат Содиқова ва Меҳри Аршиддиноваларни кўриб турибсиз.

И. Глауберзон ва В. Скроткин фотолари.

БЕШ КУНЛИК — ТЎРТ КУНДА

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводида ишлаб чиқарилаётган турли маркадаги замонавий даштгоҳларни республикамизда эмас, балки мамлакатимизнинг турли корхоналарида ва ҳатто чет элларда ҳам учратиш мумкин.

Коллектив завод маркаси қўйилган бу машиналар довруғини янада ошириб, уларни жаҳондаги энг намунавий тўқимачилик машиналари даражасига етказиш ниятида беш йиллиқнинг учинчи ҳал қилувчи йилида ҳам енг шимариб ишлаяпти.

Утган уч ой давомида қўлга киритилган меҳнат самаралари буни яққол кўрсатиб турибди. Шу вақт ичида белгиланганидан 78 минг сўмликдан кўпроқ ялпи маҳсулот тайёрланиб, буюртмачиларга жўнатилди. План 104 процент қилиб адо этилди.

Бу муваффақиятларда корхонада йил бошидан буён авж олган ўзаро социалистик мусобақанинг хосияти каттадир. Партия ва ҳукуматимизнинг 1973 йил план топшириқларини ошириб бажариш мақсадида социалистик мусобақани кенг ёйиш юзасидан чиқарган қароридан сўнг бу масалага бошқачароқ ёндоша бошлаяпмиз.

Мусобақа якунларининг ўз вақтида чиқарилиши, униг ошкорлигини таъминлаш, шахсий мажбуриятлар олиб ишлаш юзасидан тадбирлар белгиланди. Шу якунларга қараб цехларнинг ишига муносиб баҳо берилаётган бўлди. Энг илғор цех коллективларига кўчма Қизил байроқ ҳамда 100—150 сўмлик мукофотлар таъсис қилинди.

— Натижада,— дейди корхона завод комитетининг раиси Комил Обидов,— социалистик мусобақа иштирокчиларининг сафи кенгайди, меҳнат унумдорлиги ўсди, маҳсулот сифати яхшиланиб унинг таннархи пасайди. Ҳа, мусобақанинг пухта ташкил қилинишида ган кўп экан!

Масалан, 1-механика цехида ёш коммунист Шодмонов бошлиқ коллективнинг 16 аъзоси ўз зиммасига шахсий мажбуриятлар олиб ишлаяпти. «Иш вақтидан иложи борича унумли фойдаланайлик!» шиори остида меҳнат қилиб, смена топшириқларини ошириб бажараётган Л. Прядко, Н. Набокина, Л. Кашкина, Н. Никитина ва Р. Хайруллин каби илғорлар 1974 йил ҳисобига ишлаяпти. Улар мастер Икромов бошлиқ бригада аъзолари билан мусобақа шартларини белгилаб, уларнинг қандай бажарилаётганлигини ойда бир марта якунлаб туришади.

Заводда бундай илғорлар кўплаб топилади. Уларнинг кўпчилиги ўз зиммаларига тўқизинчи беш йиллик план топшириқларини уч ярим-тўрт йилда бажариш юзасидан мажбурият олишган.

Айниқса, Н. Қоратоев, М. Кулебоев, А. Суяров, О. Самиев, А. Гараев, М. Килни каби зарбдорлар ишидан ҳамма ўрнак олса арзийди. Улар беш кунлик топшириқларни 3,5—4 кунда бажара бориб, беш йиллик планларини 3,5—4 йилда адо қилиш ниятидалар.

И. СУЛТОНОВ.

БУ йигитни абразив заводининг барча ишчи-хизматчилари ҳурмат қилади. Ўртоқ А. Акромов корхонада ишлаётганига ўн йил бўлган бўлса, шу давр ичида бирон-бир ой йўқки, у топшириқни ортиғи билан бажармаган бўлсин. Беш йиллик зарбдори айни кунларда келгуси ой ҳисобига меҳнат қилмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ИККИ ТРЕСТ МУСОБАҚАСИНИНГ САМАРАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг 1973 йил халқ хўжалиги планини муддатидан илгари бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарори барча совет кишилари қаторн коллективимизни ҳам янги ижодий меҳнат марралари сари руҳлантириб юборди. Биз ҳал қилувчи йилни қувончли меҳнат кўрсаткичлари билан якунлаш юзасидан оширилган мажбуриятлар қабул қилдик.

Белгиланган марралар ўз-ўзидан қўлга киритилмайди, албатта. Бунинг учун энг аввало ишчилар унумли ишлаши, янги техника ва технологиянн кенг жорий қилиш, ички резерв ҳамда имкониятлардан самарали фойдаланиш даркор. Биз, ўзаро социалистик мусобақани кенг қулоч ёйишга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Барча корхоналаримизда социалистик мусобақани кўнгилдагидай уюштиришга катта эътибор берилмоқда. Олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши ўстидан қаттиқ назорат ўрнатилган. Ҳар ойда корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятлари натижаларини атрофлича таҳлил қиламиз. Илғорлар тажрибаси ўрганилади ва оммалаштирилади, камчиликларни бартараф этиш учун чоралар белгиланади.

Бу йил трестимиз Тошкент области пахта тозалаш трести билан ўзаро мусобақалашмоқда. Бундан мақсад пойтахт корхоналари коллективларининг бой тажрибаларни ўрганиш, улар билан ҳамкорликда ишимиздаги камчиликларни камайтиришдан иборат. Трестимизга қарашли Гулистон, Бахт, Жиззах пахта тозалаш заводларидан ташқари барча корхоналар ёш ҳисобланади. Корхоналаримизда янги техника ва прогрессив технология бўлган ҳолда уларни бошқарадиган малакали ишчилар кам. Бу соҳада ҳам Тошкент пахта тозаловчиларидан кўп нарса ўрганишимиз мумкин.

Мусобақа шартларига мувофиқ коллективимиз биринчи кварталда 54 миллион 100 минг сўмлик маҳсулотни реализация қилиши керак эди. Бу кўрсаткич 57 миллион 601 минг сўм қилиб ўринлатилди. Беш ойлик маҳсулот реализация қилиш плани 28 майда бажарилди. Қўшимча 5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Гулистон, Ерҳар, Боёвут, Ховос, Бахш пахта тозалаш заводлари беш ойликни юқори кўрсаткичлар билан якунлашга эришдилар.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ

Дастлабки муваффақиятларимизда мусобақадошларимизнинг ҳам ҳиссаси катта. Бир группа пахта тозаловчиларимиз дўстларимиз ҳузурида бўлишиб, ишлаб чиқаришдаги кўпгина янгиликларни, социалистик мусобақани ташкил этишдаги тажрибаларни ўрганиб қайтишди. Бизга айниқса, Бекобод, Далварзин, Тошкент пахта тозалаш корхоналарининг ишлари маъзур бўлди.

Мусобақадошларимиз иши билан танишар эканмиз, биз ҳали ҳам мавжуд машина-механизмлардан унумли фойдаланилмаётганлигимиз аниқланди. Шунинг ҳисобига асосий фондлар самарадорлиги ошмаяпти. Айрим корхоналаримизда маҳсулот сифати ҳали ҳам талаб даражасида эмас.

Трестимиз корхоналарида биринчи квартал бўйича белгиланган техника-иқтисодий топшириқлари қандай бажарилди? Аввало шуни айтиш керакки, саккизинчи беш йиллик бошларида барча корхоналаримиз давлатга ҳар йили каттакатта миқдорда зарар келтирарди. Ҳозир эса ҳамма заводларимиз рентабелли бўлиб қолди. Ҳар йили кўплаб иқтисодий фойда кўраяпмиз. Бу янги техника ва илғор технологиядан унумли фойдаланилганлиги, иқтисод қилиш ҳамда тежамкорликка алоҳида эътибор берилганлиги, ишни ташкил этишни муайян даражада яхшилаганимиз, ишчилар ва мутахассислар малакасини оширишга эътибор кучайганлиги туфайли бўлди.

Йилнинг дастлабки кварталида трест бўйича 743,4 минг киловатт-соат электр энергияси, қариб 7 минг квадрат-метр ўрам материаллари, 218 тонна пахта хомашёси тежаб қолинди. 26 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Маҳсулот таннархи кескин арзонлашди. Плондан ташқари 2533 минг сўмлик соф фойда олдик. Хамма корхоналаримиз кварталн планга қўшимча кўплаб фойда олиш билан якунладилар. Гулистон, Бахт, Пахтакор, Боёвут пахта тозалаш заводлари эса фойда олишда энг юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Мусобақа шартларининг айрим соҳалари бажарилмади. Чунончи, тола сифати белгиланганидан паст бўлди. Ильич ва Ерҳар пахта тозалаш заводларида ишлаб чиқарилган ялпи толанинг фақатгина 12 процентини юқори сортга реализация қилдилар. 10 та заводдан 5 таси тола сифатини ошириш топшириғини бажармади.

Ишчиларимиз иккинчи кварталда мусобақа шартларининг тулиқ бажарилиши учун бутун куч ва имкониятларини ишга солдилар. Мусобақадош тошкентлик пахта тозаловчиларнинг ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Қ. ШОДИЕВ,
Сирдарё область пахта тозалаш трести бошқарувчиси.

Тўқизинчи беш йиллик ва унинг ҳал қилувчи учинчи йили план топшириқларини муваффақиятли бажариш юзасидан бораётган умумхалқ курашида областимиздаги барча совхоз коллективлари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Хўжаликларда социалистик мусобақани пухта ташкил этишни яхшилаш унинг оммавий бўлишига эришиш, ишчи-хизматчиларда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш кўникмаларини ҳосил қилиш юзасидан кўп ишлар қилинмоқда. Барча хўжаликларда социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқилган. Совхоз коллективлари пахта, дон, шилла, картошка, сабзавот, полиз экинлари ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларидан юқори ҳосил етиштириш, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан юксак мажбуриятлар олиб ишлашяпти. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг деҳқончилик ва чорвачилик ходимлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш ҳақидаги қарори совхозлар ишчи-хизматчиларнинг гайрат-шижоатини янада авж олдириб юборди.

Мусобақани шартномалар асосида ташкил этиш тобора кенгаймоқда. Звенолар, бригадалар, бўлимлар, фермалар, шунингдек айрим ишчилар ўртасида ўзаро мусобақалашиш юзасидан шартномалар тузиляпти. Аксарият хўжаликларда мусобақа натижалари белгиланган муддатларда якунланмоқда. Пешқадамларга классли ўринлар, кўчма Қизил байроқлар, вимпеллар, пул мукофотлари, қимматли совғалар берилмоқда. Ишлаб чиқариш илғорлари ва энг яхши коллективлар Ҳурмат китоби ва тахтасига қайд этилаяпти.

Социалистик мусобақани яхши йўлга қўйиш юзасидан амалга оширилган тадбирлар ажойиб самара бермоқда. Область совхозларида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчидан 17 минг киши мусобақага жалб этилган. 6,5 мингдан ортиқ деҳқон эса коммунистик меҳнат учун ҳаракат иштирокчилари сафида бормоқдалар. Шу туфайли қатор қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга топшириш планлари ҳамда зиммага олинган социалистик мажбуриятлар шараф билан адо этилмоқда. Хўжаликлар кўкламга дала ишларини муваффақиятли ўтказдилар, давлатга гўшт, сут, тухум топшириш тўрт ойлик топширигини бажардилар.

Лекин, қатор хўжаликларда социалистик мусобақа пухта ташкил этилмаяпти. Бу муҳим ишда айрим камчиликлар ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Кўпгина совхозларда ишчи-хизматчиларнинг аксарият қисми социалистик мусобақага ва коммунистик меҳнат учун курашга жалб қилинмаган.

1-«Далварзин» совхозида мусобақанинг оммавийлигига эришиш учун эътибор берилмаяпти. Буни шундан ҳам кўриш бўладики, 1800 ишчидан фақатгина 1080 киши бу ватанпарварлик ҳаракатида қатнашмоқда. Свердлов номли совхозда 1400 ишловчи бор, социалистик мусобақага эса уларнинг ярми жалб этилган, «Октябрь 46 йиллиги» совхозида ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Қатор хўжаликларда, ҳатто мусобақа иштирокчиларининг сафи ортиш ўрнига камайиб кетаётганлигидан афсусланасан, киши. Бунга «Бўзсув» совхозидаги аҳвол мисол бўла олади. Хўжаликда мусобақа иштирокчиларининг сони ўтган йилдагига қараганда салкам 100 кишига камайиб кетди. 1-«Пискент» совхозида, Киров номли ўқув хўжалигида коммунистик меҳнат учун кураш ҳаракати ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу муҳим ҳаракатни ташкил этиш билан мазкур хўжаликлар маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари шуғулланмай қўйишган.

Ҳали ҳам айрим хўжаликларда коммунистик меҳнат ҳаракати иштирокчиларига шарафли ном беришда нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Масалан, «Ғаллақудуқ» совхозида 7 та бригада коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун мусобақалашишга аҳд қилганлар. Ваҳоланки, бу хўжаликда ҳали ҳам коммунистик меҳнат зарбдори номини олиб, бу шарафли ном юзасидан шахсий мажбурият қабул қилган бирорта ҳам ишчи йўқ.

Қатор хўжаликларда мусобақа натижалари белгиланган муддатларда якунланмайди. Бунинг устига иш натижаларининг таққослаш ва мусобақанинг ошкорлигига етарли аҳамият берилмаяпти. Бошланғич партия ва касаба союз ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари мусобақа натижаларини якунланганда фақатгина ишлаб чиқариш илғорлари ва энг яхши коллективларни кўрсатадилар, қолоқларни эса тилга олмайдилар. Шунингдек, ўзаро беллашиш ҳақида шартнома тузган ишчилар ва коллективлар ўртасидаги мусобақа пешқадамини аниқламайди.

Совхозларда касб бўйича мусобақанинг ташкил этилмаганлиги ҳам учраб туради. Хўжаликларда турли-туман касб эгаси бўлган ишчи-хизматчилар бор. Улар ўртасида «ўз касбининг моҳири» номини олиш учун курашнинг йўлга қўйилиши шубҳасиз яхши самара берган бўлар эди.

Мусобақа иштирокчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш соҳасидаги камчиликлар бу ватанпарварлик ҳаракатининг яратувчилик ва тарбиячилик моҳиятидан самарали фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда. Свердлов номли колхоз ва 1-«Пискент» совхозларида ишлаб чиқариш илғорлари, энг яхши коллективларни Ҳурмат китоби ва тахтасига ёзиш шартлари ишлаб чиқилмаган. Киров номли ўқув хўжалигида эса мусобақа якунланганда бўлимлар, бригадалар, айрим ишчиларнинг меҳнат натижаси қандай бўлганлигидан бутун коллектив хабардор қилинмайди. Бу хўжаликда ўтган йили пилладан юқори ҳосил олиш учун бошланган мусобақа ғолибларига мукофотлар 1973 йилнинг апрель ойида берилганлигини қандай изоҳлаш мумкин.

Социалистик мусобақани ташкил этишдаги камчиликлар айрим кўрсаткичлар бўйича давлат план топшириқлари ва мажбуриятларнинг бажарилмаслигига сабаб бўлмоқда. Сегизбоев, Волков номли, 1-«Далварзин», «Ленинград», Ойбек ва Охунбобоев номли совхозлар ва Тошкент наслчилик заводи коллективлари шу йилнинг биринчи кварталида давлатга гўшт топшириш юзасидан мажбуриятларни бажармадилар. Бир группа хўжаликлар сут топшириш планини адо этишнинг уддасидан чиқишмади.

Барча совхозларда социалистик мусобақанинг самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўриш шу кунинг муҳим вазифасидир. Бу соҳада йўл қўйилган камчиликларни тезроқ бартараф этиш, уларнинг бундан буён takрорланмаслигига эришиш қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли якунлашга олиб келиши турган ган. Бунинг учун мусобақанинг оммавийлигини таъминлаш, унинг иштирокчилари кучгайрати ва ижодий изланишини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада интенсивлаштириш ва самарадорлигини ошириш, деҳқончилик ҳамда чорвачилик маданиятини юксалтириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва таннархини арзонлаштириш, давлатга пахта, дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишига сафарбар этиш керак.

К. РАҲИМОВ,
облсовпроф инструктори.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

ОММАВИЙЛИК, ОШКОРЛИК БЎЛМАГАЧ

Тўқизинчи беш йиллик ва унинг ҳал қилувчи учинчи йили план топшириқларини муваффақиятли бажариш юзасидан бораётган умумхалқ курашида области миздаги барча совхоз коллективлари ҳам фаол қатнашмоқдалар, Хўжаликларда социалистик мусобақани пухта ташкил этишни яхшилаш унинг оммавий бўлишига эришиш, ишчи-хизматчиларда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш кўникмаларини ҳосил қилиш юзасидан кўп ишлар қилинмоқда. Барча хўжаликларда социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқилган. Совхоз коллективлари пахта, дон, шилла, картошка, сабзавот, полиз экинлари ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларидан юқори ҳосил етиштириш, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан юксак мажбуриятлар олиб ишлашяпти. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг деҳқончилик ва чорвачилик ходимлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш ҳақидаги қарори совхозлар ишчи-хизматчиларнинг гайрат-шижоатини янада авж олдириб юборди.

Мусобақани шартномалар асосида ташкил этиш тобора кенгаймоқда. Звенолар, бригадалар, бўлимлар, фермалар, шунингдек айрим ишчилар ўртасида ўзаро мусобақалашиш юзасидан шартномалар тузиляпти. Аксарият хўжаликларда мусобақа натижалари белгиланган муддатларда якунланмоқда. Пешқадамларга классли ўринлар, кўчма Қизил байроқлар, вимпеллар, пул мукофотлари, қимматли совғалар берилмоқда. Ишлаб чиқариш илғорлари ва энг яхши коллективлар Ҳурмат китоби ва тахтасига қайд этилаяпти.

Социалистик мусобақани яхши йўлга қўйиш юзасидан амалга оширилган тадбирлар ажойиб самара бермоқда. Область совхозларида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчидан 17 минг киши мусобақага жалб этилган. 6,5 мингдан ортиқ деҳқон эса коммунистик меҳнат учун ҳаракат иштирокчилари сафида бормоқдалар. Шу туфайли қатор қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга топшириш планлари ҳамда зиммага олинган социалистик мажбуриятлар шараф билан адо этилмоқда. Хўжаликлар кўкламга дала ишларини муваффақиятли ўтказдилар, давлатга гўшт, сут, тухум топшириш тўрт ойлик топширигини бажардилар.

Лекин, қатор хўжаликларда социалистик мусобақа пухта ташкил этилмаяпти. Бу муҳим ишда айрим камчиликлар ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Кўпгина совхозларда ишчи-хизматчиларнинг аксарият қисми социалистик мусобақага ва коммунистик меҳнат учун курашга жалб қилинмаган.

1-«Далварзин» совхозида мусобақанинг оммавийлигига эришиш учун эътибор берилмаяпти. Буни шундан ҳам кўриш бўладики, 1800 ишчидан фақатгина 1080 киши бу ватанпарварлик ҳаракатида қатнашмоқда. Свердлов номли совхозда 1400 ишловчи бор, социалистик мусобақага эса уларнинг ярми жалб этилган, «Октябрь 46 йиллиги» совхозида ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Қатор хўжаликларда, ҳатто мусобақа иштирокчиларининг сафи ортиш ўрнига камайиб кетаётганлигидан афсусланасан, киши. Бунга «Бўзсув» совхозидаги аҳвол мисол бўла олади. Хўжаликда мусобақа иштирокчиларининг сони ўтган йилдагига қараганда салкам 100 кишига камайиб кетди. 1-«Пискент» совхозида, Киров номли ўқув хўжалигида коммунистик меҳнат учун кураш ҳаракати ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу муҳим ҳаракатни ташкил этиш билан мазкур хўжаликлар маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари шуғулланмай қўйишган.

Ҳали ҳам айрим хўжаликларда коммунистик меҳнат ҳаракати иштирокчиларига шарафли ном беришда нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Масалан, «Ғаллақудуқ» совхозида 7 та бригада коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун мусобақалашишга аҳд қилганлар. Ваҳоланки, бу хўжаликда ҳали ҳам коммунистик меҳнат зарбдори номини олиб, бу шарафли ном юзасидан шахсий мажбурият қабул қилган бирорта ҳам ишчи йўқ.

Қатор хўжаликларда мусобақа натижалари белгиланган муддатларда якунланмайди. Бунинг устига иш натижаларининг таққослаш ва мусобақанинг ошкорлигига етарли аҳамият берилмаяпти. Бошланғич партия ва касаба союз ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари мусобақа натижаларини якунланганда фақатгина ишлаб чиқариш илғорлари ва энг яхши коллективларни кўрсатадилар, қолоқларни эса тилга олмайдилар. Шунингдек, ўзаро беллашиш ҳақида шартнома тузган ишчилар ва коллективлар ўртасидаги мусобақа пешқадамини аниқламайди.

Совхозларда касб бўйича мусобақанинг ташкил этилмаганлиги ҳам учраб туради. Хўжаликларда турли-туман касб эгаси бўлган ишчи-хизматчилар бор. Улар ўртасида «ўз касбининг моҳири» номини олиш учун курашнинг йўлга қўйилиши шубҳасиз яхши самара берган бўлар эди.

Мусобақа иштирокчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш соҳасидаги камчиликлар бу ватанпарварлик ҳаракатининг яратувчилик ва тарбиячилик моҳиятидан самарали фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда. Свердлов номли колхоз ва 1-«Пискент» совхозларида ишлаб чиқариш илғорлари, энг яхши коллективларни Ҳурмат китоби ва тахтасига ёзиш шартлари ишлаб чиқилмаган. Киров номли ўқув хўжалигида эса мусобақа якунланганда бўлимлар, бригадалар, айрим ишчиларнинг меҳнат натижаси қандай бўлганлигидан бутун коллектив хабардор қилинмайди. Бу хўжаликда ўтган йили пилладан юқори ҳосил олиш учун бошланган мусобақа ғолибларига мукофотлар 1973 йилнинг апрель ойида берилганлигини қандай изоҳлаш мумкин.

Социалистик мусобақани ташкил этишдаги камчиликлар айрим кўрсаткичлар бўйича давлат план топшириқлари ва мажбуриятларнинг бажарилмаслигига сабаб бўлмоқда. Сегизбоев, Волков номли, 1-«Далварзин», «Ленинград», Ойбек ва Охунбобоев номли совхозлар ва Тошкент наслчилик заводи коллективлари шу йилнинг биринчи кварталида давлатга гўшт топшириш юзасидан мажбуриятларни бажармадилар. Бир группа хўжаликлар сут топшириш планини адо этишнинг уддасидан чиқишмади.

Барча совхозларда социалистик мусобақанинг самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўриш шу кунинг муҳим вазифасидир. Бу соҳада йўл қўйилган камчиликларни тезроқ бартараф этиш, уларнинг бундан буён takрорланмаслигига эришиш қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли якунлашга олиб келиши турган ган. Бунинг учун мусобақанинг оммавийлигини таъминлаш, унинг иштирокчилари кучгайрати ва ижодий изланишини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада интенсивлаштириш ва самарадорлигини ошириш, деҳқончилик ҳамда чорвачилик маданиятини юксалтириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва таннархини арзонлаштириш, давлатга пахта, дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишига сафарбар этиш керак.

К. РАҲИМОВ,
облсовпроф инструктори.

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти коллективи беш йиллиқни ҳал қилувчи учинчи йилида зарбдорчасига меҳнат қилмоқда. Айниқса, нашриётнинг ботиқ босма цехида бундай илғор матбаачилар анчагина. Суратда: шу цех бошлиғи Асқар Ёқубжоновни иш устида кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

СОВХОЗЛАРДАГИ МУСОБАҚАЛАР ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

ОТАШИН КУЙЧИ ВА ТОЛМАС КУРАШЧИ

Яқинда улуғ байрам — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ярим асрлик юбилейини нишонладик. Шу муносабат билан ўтказилган тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев доклад қилди. Бу докладда Совет Иттифоқини барпо этиш ва мустаҳкамлаш соҳасида, ривожланган социалистик жамиятни қуриш соҳасида Коммунистик партия олиб борган жуда катта назарий, сиёсий ва ташкилотчилик иши атрофлича кўрсатиб берилди ва коммунистик қурилишнинг янги улуғвор истиқболлари белгиланди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев докладида қўйилган вазифаларни амалга ошириш борасида ҳозир совет халқи зўр завқ билан меҳнат қилмоқда.

Яна бир тарихий байрам арафасида турибмиз. 1974 йилда Ўзбекистон ССРнинг ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 50 йиллигини тантанали нишонлаймиз.

Бу тарихий воқеалар ҳақида гапирар эканмиз унинг зафарлари учун жонфидо этиб курашган арбобларни эсламай ўтолмаймиз. Ана шундай мўътабар кишилардан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдир.

Октябрь революциясига қадар маърифатпарвар демократ, ўз таъбири билан айтганда «халқ ўқитувчиси» бўлган Ҳамза Улуғ Октябрни зўр қувонч билан самимий кутиб олади. Революция мамлакатимиз халқларига озодлик ва тенглик берганини, иқтисодий ва маданий тараққиёт учун кенг йўл очиб берганини чуқур ҳис этган Ҳамза Улуғ Октябрнинг оташин куйчиси бўлиб майдонга чиққани ҳолда, бу йўлда хизмат қилиш билан унинг ижодий таланти яшнаб кетади. У — зўр истеъдодли шоир ва композитор, драматург ва режиссёр, моҳир педагог ва публицист эди.

Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимиз меҳнаткашлари кескин синфий кураш олиб бориб буюк тарихий зафарларни, ўз ҳокимиятлари — Совет ҳокимиятини барпо қилганликларини зўр завқ билан мадҳ этади:

Бузма кўнглинг, боқ бу Шўро!
Берди мангу интиҳоҳ.
Томчи ҳар қонинга олдинг
Илму урфон, эрку жоҳ.
Яша Шўро, яша Шўро!
Сен яшайдиган замон.
Ишчи ўғли, шуҳратингдан
Балқисин рўйи жаҳон!

Империалистик кучлар ички душманлар билан биргалашиб, ёш Совет давлатига қарши ҳужум бошлаганларида совет халқи душманга қарши зарба бериш, мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш учун бутун кучини сафарбар этади. Бу курашларда жонфидолик кўрсатган халқ орасида Ҳамза Ҳакимзода ҳам бор эди.

1919 йил март ойида, интервентлар ва босмачиларга қарши курашнинг қизғин вақтларида, Ҳамза ўзи бош бўлган драма труппа коллективи билан Қизил Армия сафига киради. Труппа Туркистон фронти Штаби сиёсий бошқармаси ҳузурида бўлиб, армия қисмлари ва маҳаллий аҳоли ўртасида хизмат қила бошлайди. Труппанинг асосий репертуарлари эса, Ҳамза томонидан ёзилган революцион шеър, қўшиқлар ва пьесалардан иборат эди.

Шоир «Берма эркингни қўлдан!» деб қаҳрамон халқимизга мурожаат қилади:

Басдир шунча йил неккан,
Кулфат ва хўрлик!
Золим бойлар ҳақингга
Қилди ҳар зўрлик.
Яна истар хонилар
Қилмоқ қонхўрлик.
Битсин энди истибдод
Бирла контрлик!

Шоирнинг бу каби революцион қўшиқлари фронт бўйлаб янгради. Улуғ Октябрь ғалабаларини мустаҳкамлаш учун олиб борилган халқ курашида катта куч бўлди.

Ҳамза 1920 йил 3 январда Туркистон фронти Штаби Сиёсий бошқармасига ёзган бир хатида: «Халқни олдимиздаги янги ҳаётга ҳозирлов учун энг аҳамиятли нарса биринчи болалар мактаби, иккинчи шу халқ мактаби саҳна (театр) ва агитацнядир» дейди.

Санъат ва адабиётнинг ролини ана шундай юксак қадрлаган Ҳамза амалий ишга киришади. У босмачиларнинг меҳнаткаш халқ бошига келтирган зулм ва стамларини, халқнинг ашаддий душмани эканликларини тасвирлаб, «Фарғона фожиаси» номида 4 сериялн трагедия— тетрологія яратади. Бу асар 1919—1920 йилларда Ҳамза бочилигидаги «Ўлка мусулмон сиёсий труппаси» томонидан Тошкент саҳналарида, Закаспий ва Фарғона фронтларда Қизил Армия ва аҳоли ўртасида кўп марта кўрсатилган. Шу билан бирга, Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», «Туҳматчилар жазоси», «Ишчилар ҳаётидан» каби замонавий темаларда ёзилган қатор пьесалари театр репертуарларида кенг жой олган эди. Ҳамзанинг бу асарлари ўша тарихий даврнинг актуал вазифаларини бажаришга қаратилган эди. Уларда замоннинг илгор сиёсий, ахлоқий ва эстетик идеаллари, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми туйғулари янгради.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА РЕСПУБЛИКА КОМПАРТИЯСИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ҳамза пьесалари орасида «Бой ила хизматчи» айниқса катта шуҳрат қозонди ва ҳозирги кунга қадар саҳналардан тушмай келади.

Узбек меҳнаткашларининг революциядан илгариги оғир ҳаётини, руҳонийлар ва подшо истибдодига қарши революцион курашини кўрсатиш «Бой ила хизматчи» драмасининг бош темасидир. Асосий ижобий қаҳрамонлар — Ғофир, Жамила меҳнаткашлар бўлиб, улар фаолиятида тарихий жараён тўғри акс эттирилган. Бу пьеса ўзбек драматургияси тарихида социалистик реализм асосида яратилган биринчи асардир. «Бой ила хизматчи» революциядан олдинги ҳаётдан олиб ёзилган бўлсада, у фақат ўтмиш ҳақидаги асар бўлмай, жуда актуал аҳамият касб этади. Чунки революция улоқтириб ташлаган ўтмиш ҳали узоққа кетмаган, уни қайтаришга интилувчи қора кучлар чет эл империалистлари ёрдамида меҳнаткашлар ҳокимиятига қарши уруш очган эдилар. Ана шундай шароитда ўтмишнинг, эксплуататор синфларнинг чиркинлигини кўрсатиб, уни қайтармасликка чақириш алоҳида аҳамиятга эга эди.

Ҳамза халқ ҳаётининг энг қайнаган жойларида бўлди. Узининг зўр таланти, ўткир ақл-идроки билан халққа хизмат қилади. Мана бир неча мисол: «1921 йилнинг 28 февралида,— деб ёзади Ҳамза бир ахборот хатида, — Бухоро жумҳуриятининг аҳвол сиёсати билан танишиб, шу ҳақда пьесалар ва сиёсий шеърлар ёзиш учун Ҳўқанд обком партияси тарафидан Тошкент крайком орқали Бухоро ва Бухоро жумҳуриятининг ҳар бир музофотинда юрдим». 1921 йил октябрь ойида «ўз ҳавоҳимшимча Хевага командировка бўлдим, чунки Хева жумҳуриятиндан ҳам тегишли пьеса ва инқилобий шеърлар учун материал ҳозирламоққа».

Ҳамза 1921 йил октябрь ойидан то 1924 йил июнь ойига қадар Хоразм Халқ Совет Республикасида ишлайди. Унинг диққатини хонлик зулмидан озод бўлган халқнинг беҳад қувонч ва меҳнат ғайрати жалб этади. У ўз санъаткорлиги ва билими билан бу қувончга жўр бўлади. Ҳамза бу ерда яшовчи халқларнинг ишқиболини назарда тутади, доимо партия ташкилоти кўрсатмалари асосида иш олиб боради. Бир мисол: 1922 йил май ойида Амударёй области партия комитети Ҳамзага қардош туркман халқи учун ҳам хизмат қиладиган бир труппа — область миқёсида ўзбек-туркман театр труппаси ташкил этиш ва уни инқилобий репертуарлар билан таъминлаш вазифаси топширилади. Ҳамза бу ишни шараф билан бажо келтиради.

Ҳамза 1924 йил ёзида Хоразмдан Фарғонага қайтар экан, бу ерда ҳам жамоат ишларини ижодий ишлари билан бирга давом эттиради. 1926 йили меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар вақтида агитатор бўлиб ишлайди ва «Сайлов олдида» ҳамда «Бурунги сайловлар» номли драматик асарларини ёзади. Ўша йиллари республикамизда олиб борилган тарихий воқеа — ер-сув ислоҳоти ҳақида «Ер ислоҳоти» пьесасини яратади. 1927—28 йиллари, хотин-қизлар озодлиги учун кескин кураш даврида, қатор шеър ва қўшиқлар ёзади «Ўзбекистон хотин-қизларига», «Муборак», драматик асарлар «Март қурбони Ойниса», «Паранжи сирлари»ни яратади, публицистик мақолалар билан матбуотда чиқади, оммавий митингларда ажойиб нутқлар сўзлайди.

Ҳамза халқимиз янги ҳаёт, социализм қуриш йўлидан янгидан янги зафарларга эришувини истар эди. Шунинг учун ҳам қаламининг ўткир тиғини эскиликка, патриархал-феодал ва бўржуа жамияти сарқитларига қарши қаратади. Бу масалада сатира жанридан самарали фойдаланади. Унинг машҳур «Майсаранинг иши» (1926) комедияси ва матбуотда эълон қилинган қатор сатирик шеърлари буни очиқ кўрсатади.

Ҳамза Ҳакимзоданинг халқ бахт-саодати йўлида қилган самарали хизматларини тақдирлаб, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети 1926 йил 27 февраль қарори билан унга «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» деган фахрий унвон берган.

Хуллас, Ҳамза Октябрь революциясининг биринчи кунларидан бошлаб совет жамиятимизнинг ҳар бир тараққиёт этапларида Коммунистик партия томонидан совет халқи олдига қўйилган муҳим вазифаларни бажаришда доимо биринчи сафларда бўлади.

Ҳамза ўзининг илк асарлари билан ўтмиш адабиётимизнинг илғор анъаналарини давом эттириб келиб, Октябрь революцияси кунлари яратган шеър, қўшиқлари ва драмалари билан янги адабиёт, ўзбек совет адабиётини бошлаб берди, унинг асосини қурди. Театр санъатимиз илк саҳифаларини очишда ҳам Ҳамзанинг ҳурматга сазовор хизматлари мавжуд. Унинг 1918 йилда Фарғона шаҳрида тузган илк театр труппаси ўзбек совет театр тарихини бошлаб берди.

Ҳамза ижодий фаолиятини доимо совет халқи ҳаёти билан боғлаб олиб борди, унга хизмат қилди. Унинг асарлари Коммунистик партиявийлик, халқлар дўстлиги ва пролетар интернационализми руҳи билан суғорилгандир. «Унинг жўшқин овози ва қўшиқлари, шеър ва драмалари, — дейди улкан совет шоирими Н. С. Тихонов, — бахтли келажак учун олиб борилган курашларда байроқ янглиг юксалди, унинг ўзи эса, барча замонлар ва халқларнинг муқаддас байроғи — Октябрь байроғига садоқат тимсоли бўлиб қолди».

Кўп миллатли улкан совет адабиётимизнинг жанговар отряди ўзбек совет адабиёти халқимизнинг чин фарзанди Ҳамза бошлаб қадам қўйган йўлдан, социалистик реализм йўлидан бориб тараққий этмоқда, янгидан-янги ижодий чўққиларни эгалламоқда.

Юсуф СУЛТОНОВ.

Сиёсий ахборотчи, агитатор ва сиёсий ташкилотчиларга ёрдам

ШУ КУНГИ СУҲБАТЛАРНИНГ ТЕМАТИКАСИ

Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар куни яқинлашмоқда. Бу сайловлар область, республика ва бутун мамлакат ҳаётида катта ижтимоий-сиёсий воқеадир. Ҳозир ана шу умумхалқ байрамига тайёргарликнинг энг масъулиятли босқичи бошланди: сайловчилар қишлоқ, посёлка, район, шаҳар ва область Советларининг депутатлигига номзодлар билан учрашмоқдалар, коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун ташвиқот-тарғибот ишлари авж олдириб юборилди.

Маҳаллий Советларга сайловларнинг муваффақиятли ўтиши кўп жиҳатдан шу кунларда олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлар даражасига ҳам боғлиқ. Тошкент, Чирчиқ, Ангрен, Бекобод, Ўрта Чирчиқ, Пискент ҳамда областимизнинг бошқа шаҳар ва районларидаги жуда кўпчилик агитпунктлар ва сайловчилар клублари оммавий-сиёсий ишларни юқори даражада олиб бормоқдалар.

Ҳозирги вақтда агитпунктлар, сайловчилар клублари, агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар омма ўртасида сиёсий-тушунтириш ишларини олиб боришнинг барча таъсирчан ва самарали формаларидан тўла фойдаланишлари керак. Бутун ташвиқотчилик ишлари корхоналар, қурилишлар, колхозлар ва совхозлар олдида турган аниқ вазифаларга чамбарчас боғлаб олиб борилиши зарур. Ҳар бир районда, ҳар бир шаҳарда беш йиллликнинг ҳал қилувчи учинчи йили планларини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасининг янада авж олдириб юборилишига эришмоқ лозим.

Қишлоқ хўжалик ходимлари область кенгаши қатнашчиларининг барча қишлоқ меҳнаткашларига мурожаатини оммага кенг тушунтириб бориш керак.

Ташвиқотчи кадрлар учун доимий семинарларнинг навбатдаги машғулотларини ўтказиш, унда «Партия ишининг муҳим соҳаси» («Агитатор» журнали, 9-сон, 43—47-бетлар) мақоласидан фойдаланиш зарур.

Омма ўртасида июнь ойида суҳбатлар ўтказиш учун қуйидаги материаллардан фойдаланиш тавсия этилади:

МАМЛАКАТНИНГ ИЧКИ ҲАЕТИ

Маҳаллий Советларга сайловлар (КПСС МКнинг «Партийная жизнь» журнали, 9-сон, 11—15-бетлар, «Агитатор» журнали, 9-сон, 3—5-бетлар, 10-сон, 28—29-бетлар, «Ўзбекистон агитатори» журнали, 9-сон, 11—17-бетлар, 10-сон, 14—18-бетлар).

Юқори сифатли товарларни кўпайтирайлик. Енгил саноат ходимлари кунига бағишланади («Агитатор» журнали, 9-сон, 24—25-бетлар, вақтли матбуот).

Халқ саломатлиги ҳақида ғамхўрлик. Медицина ходимлари кунига бағишланади («Агитатор» журнали, 9-сон, 36—38-бетлар, вақтли матбуот).

Совет ёшлари куни — 24 июнь («Календарь знаменательных и памятных дат», 5-сон, 43—50-бетлар, вақтли матбуот).

Мен — Совет Иттифоқининг гражданиман («Ўзбекистон агитатори» журнали, 9 ва 10-сонлар, 3—6-бетлар).

МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАЕТИ

Ўзбекистон КП Марказий Комитети XI пленумининг материаллари (республика, область газеталарининг 1—2 июнь сонлари).

Зарбдор меҳнатимиз — Ватанга, беш йилликка. (Ўзбекистон агитатори» журнали, 10-сон, 7—10-бетлар).

Бир минутнинг қиймати. («Агитатор» журнали, 9-сон, 21—23-бетлар).

Колхоз ва совхозларда меҳнат унумдорлиги. («Ўзбекистон агитатори» журнали, 9-сон, 24—27-бетлар).

Ирригация ва мелиорация — юқори ҳосил учун курашнинг олдинги марраси. (Ўзбекистон КП МКнинг «Партия турмуши» журнали, 5-сон, 16—22-бетлар).

Қишлоқ хўжалик ходимлари область кенгаши қатнашчиларининг барча қишлоқ меҳнаткашларига мурожаати. (Область газеталари, 20 май).

МАМЛАКАТНИНГ МАДАНИЙ ҲАЕТИ

Қаҳрамонона маънавиёт даври («Литературное обозрение» журнали, 4-сон, 3—5-бетлар).

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

Партия XXIV съезди қарорларини амалга оширш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг халқаро фаолияти тўғрисида (КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1973 йил 27 апрелда қабул қилган қарори ҳамда республика ва область партия активи йиғилишларининг материаллари (вақтли матбуот).

Партия ва Совет давлатининг халқаро фаолиятини пропаганда қилиш кенгаймоқда. («Ўзбекистон коммунистик» журнали, 5-сон, 16—21-бетлар).

Тинчлик ва социализм йўли (КПСС МКнинг «Партийная жизнь» журнали, 10-сон, 3—8-бетлар).

Тинчлик стратегияси («Агитатор» журнали, 10-сон, 3—7-бетлар).

СССР — ГФР: алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган йўл. («Международная жизнь» журнали, 5-сон, 29—37-бетлар, «Агитатор» журнали 10-сон, 54—56-бетлар).

СССР ва АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши («Международная жизнь» журнали, 5-сон, 14—19-бетлар).

Яқин Шарқ уруш ва тинчлик ўртасида («Ўзбекистон агитатори» журнали, 9-сон, 36—40-бетлар).

Антикоммунизм — ҳалокатга маҳкум этилганлар идеологияси («Агитатор» журнали, 46—69-бетлар).

Хитой маочи раҳбарларининг баъзи концепцияларига доир («Известия» газетаси, 1 июнь).

ЭСЛАТМА: Суҳбатлар ўтказаётганда вақтли матбуот материаллари, маҳаллий факт ва мисоллардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ИХТИЛОФЛАР САҚЛАНИБ ҚОЛМОҚДА

ЛЮКСЕМБУРГ, 5 июнь. (ТАСС). «Умумий бозор»даги тўққиз мамлакат министрлар кенгашининг ташқи ишлар министрлари даражасидаги сессияси ўз ишини тамомлади.

Министрлар кун тартибидаги асосий моддалардан бири-ГАТТ (тарифлар ва савдо-сотиқ тўғрисидаги бош битим) доирасида АҚШ ва Япония иштирокида шу йил кузида ўтказиладиган музокараларда «умумий бозор» мамлакатларининг умумий йўлини ишлаб чиқиш тўғрисидаги масала юзасидан бир қарорга кела олмадилар.

ҲАҚЛИ ТАЛАБ

ТОКИО, 5. Миллий мудофаа бошқармасининг бошлиғи С. Яманака Американинг Японияда ги қўмондонлигидан АҚШнинг Окинавадаги ҳарбий базалари миқдорини қисқартиришни талаб қилди.

Ҳозирги вақтда Японияннинг ана шу ороллари да Американинг 86 та базаси бор. Окинавадаги жамоатчилик фикрини билиш учун яқинда ўтказилган савол-жавоблар шуни кўрсатди.

ҲИНДИСТОНДА РАКЕТА УЧИРИЛДИ

ДЕҲЛИ, 4 июнь. (ТАСС). Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган ракета Андхра-Прадеш штатининг Шрихарикотадаги учириш майдончасидан синаш мақсадида муваффақиятли учирилди. Бу ракетани учириш Ҳиндистонда космик тадқиқотларни ташкил этиш программасининг бир қисмидир. Бу эксперимент ракеталарни учириш тафсилотларни ишлаб чиқиш, шунингдек бошқариш системасини синаб кўриш имконини беради. Экспертларнинг айтишича, ракетани учириш қониқарли ўтган.

БОМБАРДИМОН ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТЯПТИ

НЬЮ-ЙОРК, 4. Америка авиацияси Камбоджанинг озод қилинган районларига ёпирилиб бомбардимон қилишни кеча давом эттирди. Бу операцияларда «В—52» стратегик бомбардимончи самолётлар иштирок этди. Тинч океан районида АҚШ қуролли кучлари қўмондонлигининг вакили Гонолулуда ана шуни маълум қилди.

ВДР ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ПЕКИНГА КЕЛДИ

ПЕКИН, 4 июнь. (ТАСС). Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан ҳамда Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси ва ВДР ҳукуматининг бош министри Фам Ван Донг бошчилигидаги ВДР партия-ҳукумат делегацияси расмий визит билан Пекинга келди. Делегация Хитой Компартияси Марказий Комитети билан Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан келди. Аэродромда делегацияни Чжоу Энь-Лай, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

ВЕРТОЛЕТ ҚУЛАБ ТУШДИ

НЬЮ-ЙОРК, 4. «ИН-1» армия вертолёти Техас штатидаги Форт Уорт ҳарбий базаси яқинида қулаб тушди. Вертолётдаги экипажнинг уч аъзоси ҳам ҳалок бўлди.

ПЕКИН МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИНИ БУЗМОҚДА

ВАРШАВА, 2 июнь. (ТАСС). «Трибуна люду» газетаси Пекин сиёсати тўғрисида мақоласида маочи раҳбарлар учинчи дунё мамлакатларига ва миллий озодлик ҳаракатига алоҳида эътибор бериб, уларни ўзларига бўйсундиришни ва шовинистик, антисоциалистик мақсадларида фойдаланишни мўлжалламоқдалар, деб ёзади.

Пекин шу мақсадларда, дейилади мақолада, нифоқ уруғини сочишга ва миллий озодлик ҳаракатини замонамизнинг империализмга қарши курашаётган икки асосий революцион кучи: социалистик мамлакатлар ҳамдўстлиги билан капиталистик мамлакатлардаги революцион ишчилар ҳаракатига қарши қўйишга уринмоқда.

Пекин ўзининг қўпорувчилик фаолиятини сохта революцион сафсата билан, кўринишда антиимпериалистик бўлган шиорлар билан ниқоблаяпти. Аслида эса бу социализм манфаатларига ҳамда империализм ва янги мустамлакачилик хавф-хатари олдида ўз озодлиги ёки мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган халқларнинг туб манфаатларига қарши қаратилган диверсиядан бошқа нарса эмас.

Бироқ, деб давом қилади газета, миллий озодлик ҳаракати ва учинчи дунёнинг бошқа прогрессив кучлари Пекиннинг ҳарчанд уринишларига қарамай, социалистик мамлакатлар томонига ўтиб Совет Иттифоқи билан қалин алоқа боғлаб турганлигидан Хитой раҳбарлари шунга халақит бериш учун ҳеч нарсадан тойиншмаяпти. Кейинги йилларда улар учинчи дунёдаги сўл бўлсин, ўнг бўлсин антисовет, антисоциалистик йўлдан борувчи ҳар қандай кучларни қўллаб-қувватламоқдалар.

«Трибуна люду» таъкидлайдики, Хитой раҳбарлари ўз концепциялари ва ҳукмронликларини Осиё мамлакатларига ўтказишни хоҳлардилар ва улар Осиёдаги аҳволни шу қитъадаги барча давлатларнинг коллектив хавфсизлиги ва тинч-тотув яшаш принципларида мустаҳкамлаштиришга йўл қўймасликка уринмоқдалар. Лекин улар бунга эриша олмаяптилар.

Хитой раҳбарларининг бузғунчилик ва буюк давлатчилик сиёсати, деб ёзади «Трибуна люду», Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг озодлик ва мустақиллик йўлидаги курашига путур етказади ҳамда бирлашган антиимпериалистик фронтни бўшаштиради, кейинги йиллар шу уч қитъада ривожланиб бораётган миллий озодлик процессларини тўхатишга таҳдид қилади, янги мустамлакачиликнинг қарши ҳужумга ўтиши учун қулай шароитлар яратиб беради.

17 июнь 1973 — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ИШОНЧНИ ОҚЛАЁТГАНЛАР

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

Собир Раҳимов районидаги 22-ўрта мактабда жойлашган 6-сайлов участкаси ҳамиша сайловчилар билан гавжум. У ерда айниқса агитаторлар самарали иш олиб бормоқдалар. Улар турли мавзуларда суҳбатлар уюштираётирлар. Суратда: (чапдан ўнгга) агитатор Саримсоқов, агитпункт мудири Х. Хошимов ва сиёсий ахборотчи И. Усмонов ўртоқлар навбатдаги суҳбатга тайёрланишмоқда.

А. Тўраев фотоси.

Маҳаллий Советларга сайловларга саноқли кунлар қолди. Ҳозир барча сайлов участкаларида совет демократияси, гражданлар ҳуқуқи, депутатларнинг бурчи ҳақида суҳбатлар бўлиб ўтмоқда. Завод ва фабрикаларда, маҳалла комитетларида бу кунга бағишланиб лекциялар ўқилиб, қизиқарли кечалар ўтказилмоқда.

Коммунист Расул Тўхтахўжаев, — деб ёзади ангренлик штатсиз мухбиримиз **П. Петров**, — кўп йиллардан бери 4-шахтада ишлаб келмоқда. Расул ана илгор ишчигина эмас, актив агитатор ҳамдир. У яқинда шахтерлар орасида Ангрен кўмир саноатининг истиқболига оид суҳбат ўтказди. Тўққизинчи беш йиллиқда Ангренда кўмирни очиқ усул билан қазиб олиш ниҳоятда арзонга тушади. Шаҳар 1970 йилдагига нисбатан 1,5 баравар кўп ёқилғи етиштиради. Шахталарда янги технология тезкорлик билан жорий этилмоқда. Ҳозир бу ерда Ижорск заводи ишлаб чиққан янги экскаваторлар кунига 2 нормага етказиб кўмир қазиб олмоқдалар.

Агитпунктлар айниқса кечқурунлари гавжум бўлаётир. Бу жиҳатдан **В. Рокотов**нинг Чирчиқдан ёзиб юборган хабари диққатга сазовор. Чирчиқ индустрия техникуми клуби турли плакатлар, лозунглар билан безатилган. Агитпунктда турли газета ва журналлар, шахмат, шашка, домино мавжуд. Кечқурунлари эса йиғилганлар телевизор кўриб хордиқ чиқаришлари мумкин. Бу ерда навбатчилик қилаётган студентлар сайловчиларнинг ҳар қандай саволларига тўғри ва аниқ жавоб бера оладилар.

Редакциямизга Ўрта Чирчиқ районидан мактуб йўллаган **А. Қодиров** ҳам «Ленин йўли» колхозида жойлашган агитпункт ҳақида ҳикоя қилган. Агитпункт мудири Ойша Абдураҳмонова барча ишларнинг планли ўтишини доимо назорат қилиб боради. Тез-тез йиғилишлар ўтказилиб, халқаро аҳвол, фан ва техника янгиликларига оид суҳбатлар уюштирилади.

Оржоникидзе районидан хат йўллаган **Ф. Болтахўжаев** депутат Д. Г. Загорянков ҳақида тўлқинланиб ёзади. Депутат ташаббускорлиги билан кўпгина йўллар текисланган, қишлоқни кўкламзорлаштириш борасида анча ишлар амалга оширилмоқда.

Депутатлар ҳақида бекободлик **А. Ҳайдаров**, оққўрғонлик **М. Тожибоева**ларнинг материаллари ҳам диққатга сазовордир. Улар ўзлари истиқомат қилаётган жойдаги ҳалқ вакилларининг ишдаги ва жамоат орасидаги фаолиятлари ҳақида батафсил ҳикоя қилганлар. Чиновник жамоатчи мухбир **Е. Ўринбоев** 330-сайлов округидан область Совети депутатлигига номзод қилиб қаҳрамон она Бувизайнаб Тултебоева кўрсатилганлигини, унинг ҳаёт йўлини ёзиб юборди.

Редакцияга келаётган бошқа хат-хабарларда ҳам жойларда маҳаллий Советларга сайловни уюшқоқлик билан ўтказиш учун олиб борилаётган намунали ишлар ҳақида ҳикоя қилинган.

ИҒВОГАРЛАР ТИНЧИМАЁТИР

САНТЬЯГО, 4. Чили ички ишлар министрининг ўринбосари Даниэль-Вергара журналистларга бундай деди: республика ҳукумати Ранкауа шаҳрида тартибсизлик чиқаришда айбдор бўлган иғвогарларга қарши қаттиқ чоралар кўради. Фашистлашган унсурларнинг шайкалари ана шу шаҳар кўчаларида полициячилар билан тўқнашув уюштирдилар. Чили Коммунистик ёшлар союзи ва бошқа тараққийпарвар ташкилотларнинг биноларига ўт қўйишди, ва ҳужум қилдилар, вилоят префектураси биносига бостириб кириш ва уриндилар. Маъмурлар ана шу жиноий ҳаракатларнинг қатнашчиларидан 80 дан кўпроқ кишини қамоққа олди.

● ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ. Бугун Жанубий Вьетнам республикаси ташкил этилганлигига тўрт йил бўлади. Бу саналн меҳнаткаш вьетнам халқи осойишта ҳолатда нишонламоқда. Кўп жабр кўрган Куанг чи тупроғида ҳаёт нормал изга тушмоқда. Вилоятнинг озод қилинган районларида деҳқонлар ўз юмушлари билан машғул бўлишяпти. ВИА—ТАСС фотоси.

Фотолавҳалар

● ОЗАРБАЙЖОН ССР. Тоғдаги Барзау қишлоғида истиқомат қилаётган Шерали Муслимов 168 ёшга тўлди. Бунчалик мўътабар ёшга чиққан бўлишига қарамай, у ўзини бардам сезмоқда. Шерали ота боғда ишлашни, айниқса, яхши кўради. У жамоат ишларига ҳам вақт топади. Ахир Шерали Муслимов Билабанд қишлоқ Советининг депутати. Бу йил уни яна депутатликка номзодликка тавсия этишди. Суратда: Шерали Муслимов ўз боғида.

Я. Халилов фотоси.

(ТАСС фотохроникаси).

● ГУЛЗОР ИЧРА ГУЛЛОЛАР.

А. Тўраев фотоэтюди.

ТОШКЕНТ—МОСКВА—ЛЕЙПЦИГ

Яқинда Москвадаги Морис Торез номли чет тиллар институтида андижонлик ёш олим Мухтор Умархўжаев «Немис, ўзбек ва рус тиллари материали асосида кўп тилли фразеологик луғатлар тузишнинг принципларн» деган темада кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Мухтор Ф. Энгельс номли Тошкент чет тиллар институтидаги талабалик йилларидаёқ бу масалага қизиқиб қолди. Унинг тиришқоқлиги, илмий ишга иштиёқи институтда қолишга, кейинчалик аспирантурада таҳсил олишга сабаб бўлди. Мухтор тинмай, ўқиди, ўрганди, ўз устида ишлади.

1971 йил Мухторнинг ҳаётида унутилмас из қолдирди. Унинг темаси юзасидан тажрибалар ўтказиш учун бир йилга К. Маркс номли Лейпциг университетига юборишди. Бу ерда ҳам у ўз тиришқоқлигини кўрсатди, илмий докладлар ўқиди, таржима масалаларига доир конференцияларда ва шу йили Иенда таниқли немис тилшунос олими Август Шлейхер таваллудининг 150 йиллигига бағишлаб ўтказилган симпозиумда қатнашди. Диссертация учун материаллар йиғди, уларни анализ қилди, кераклисини танлади. Лейпцигдан қайтгач, диссертация ҳимояси бўлди.

Мухтор Умархўжаев ҳамон изланишда. Ёш олимнинг келгуси ишларига катта муваффақиятлар тилаймиз.

Г. РУБЦОВ,
Москва шаҳри.

ХУШБУЙ КЎРГАЗМА

Бу кўргазмани чиндан ҳам шундай деб аташ мумкин. Мамлакатимиздаги барча парфюмерия фабрикалари юборган мингдаб экспонатлар шундай ороми жон ҳид таратади. Москвадаги Политехника музейида очилган бу кўргазма доимо гавжум.

Ҳозир парфюмерия саноатимиз 500 дан ортиқ номда хушбўй, атир ва бошқа хил шу каби маҳсулотлар чиқармоқда. Улар қаторида Тошкент парфюмерия-косметика фабрикаси чиқарган маҳсулотлар ҳам муносиб ўрин эгаллайди. Тошкент экспонатлари москваликлар ва пойтахт меҳмонларини ўзига жалб қилмоқда. Улар орасида «Чилонзор», «Гўзал», «Гули», «Лайли» ва «Шарқ» атирлари бор.

Л. И. АПАРНИКОВ,
Москва.

ЯНГИЛИК ИЖОДКОРЛАРИ

Тошкент резина-техника заводида маҳсулотларни ишлаб чиқаришда кимёвий-технологик жараёнлар муҳим ўрин тутади. Яқинда корхонада бу соҳада яна бир янгилик жорий этилди.

Янгилик Тошкент политехника институти кимё-технология факультетининг дипломантлари изланиши натижасида бўлди. Ёш кимёгарлар кимёвий йўл билан янги хил тезлаштирувчи модда яратиб, корхонага тақдим этдилар.

Ижодий меҳнат натижаси туфайли корхонада меҳнат унумдорлиги 2—2,5 мартага ортди. Олий ўқув юртининг органик ва нефть-кимё синтези технологияси кафедраси келгусида ҳам корхона билан ижодий ҳамкорликда бўлади.

Виктор СЛАВКИН.

„ОПЕРАЦИЯ"

Редактор ҳузурига дабдурустдан кириб келдим:

— Салом!

— Салом! — пўнғиллади редактор.

— Шеър олиб келдим, — дедим дадил.

— Секретарга қолдиринг.

— Бундай қилаолмайман, мен эртага ишга боришим керак.

— Бунинг аҳамияти йўқ. Қўлёзмани қолдиринг-да, ишингизга кетаверинг.

— Гап шундаки, қўлёзма, бу — мен.

— Сиз?!

— Ҳа. Мен қоғозни тежаш ҳаракатига қўшилдим. Эндиликда шеърни баданимга санчиб ёзаяпман.

— Хўп, нима истайсиз?

— Истардимки, сиз уни ўқиб кўриб, маъқул бўлса журналингизда ёритсангиз.

— Ечиниг, — деди редактор ва енгларини шимарди.

Редактор мени бир неча марта ўқиди.

— Шеърлар ёмон эмас, — деди у. — Лекин шу туришида журналда чиқариб бўлмайди.

— Албатта, — қўшилдим мен. — Ялангоч одамнинг суратини бериб бўлмайди. Шеърларни оддий ҳарфлар билан теришга тўғри келади.

— Сиз мени тўғри тушунмадингиз. Шакл ҳақида эмас, мазмун ҳақида гапиряпман. Менга қоғиздаги мана бу икки сатр ёқмай турибди. Шуларни олиб ташлаш керак.

— Бу, менинг ўзимга ёқадиган энг яхши сатрлар. Олиб ташласангиз менга оғир ботади.

— Гоголь «Ўлик жонлар»нинг иккинчи қисмини ёқиб ташлаганида, ҳеч қаери оғримаган дейсизми?

— Гоголь қоғозни ёққан-ку, мен эса ҳозир қорнимни кесишим керак. Яна, энг оғрийдиган, нозик жойим...

— Гоголь «Ўлик жонлар»нинг иккинчи қисмини ёқиб ташлаганида, ҳеч қаери оғримаган дейсизми?

— Чап оёғингиздагининг ҳаммасини ўчириш керак, — у ўз диагнозини қўйди.

— Унда ўнг оёқ ортиқча бўлиб қоладику, — эътироз билдирдим мен.

— Очиғини айтсам, йигитча, ўнг оёқ менга ҳам ортиқчадек туюляпти. Шуниси борки, агар мана бундай тугалланма ёзсак, барча мазмунни сақлаб қолиш мумкин...

Старший редактор менга игнами чаққонлик билан санча, бошлади. Мен унинг қўллари остида инсон боласи дош беролмайдиган оғриқ азобидан тўлганар эдим.

— Сизнинг бу ишингиз даҳшат! — деб қичқирдим. — Мен бунақа тугалланмани истамайман!

— Тинчланинг, тинчланинг, зарур йўқ... Бундан ҳали ҳеч ким ўлган эмас.

— Тезроқ нуқта қўйинг! — ёлвордим мен.

Старший редактор ўйланиб қолди.

— Йўқ, бахтга қарши, бу ерга уч нуқта қўйиш тақозо этилади, — деди у менга ўзининг игнасини уч марта тиқиб.

— Қалай, яхшироқми — сўради у кўзимни очганимда.

— Ёмонроқ, — ҳўрсиндим мен.

— Кўтарилинг, йигитча. Сиз ҳозир бош редакторга боришингиз керак.

— Юролмайман...

Бош редакторга мени замбилда олиб боришди. У кенг ва ёруғ хонанинг ўртасида эгнига оқ халат, қўлига резина қўлқоп кийган ҳолда турар эди. Унинг ёнида секретарь қиз турибди, у ҳам оппоқ. Мени ётқизишди. Бош редактор тепамга эгнашди. Қисқа-қисқа команда эшитила бошлади:

— Скальпель! Камфора! Қисқичлар!

Мен бошқа ҳеч нарсани эслолмайман.

Икки ҳафтадан кейин, рангим саргайиб, озиб-тўзиб редакцияни озод қилинганимда, редактор бинт билан боғланган қўлимни маҳкам қисиб, бинт ўралган елкамга қоқиб, деди:

— Сиз ожиз шоир экансиз. Дош бераолмадингиз... Менинг сизга маслаҳатим: кейинги гал қоғозга ёзинг. Қоғоз ҳаммасига чидайди.

Ҳабибулло ОЛИМЖОНОВ таржимаси.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚУДРАТИ

Ўлкамиз қудратини яна ҳам кенгроқ билмоқчи бўлсангиз «Ўзбекистон» нашриёти чиқарган «Жаҳон мамлакатлари» номли қисқача сиёсий иқтисодий справочникни ўқиб чиқинг. Унда бошқа мамлакатлар қатори Совет Иттифоқига ҳам кенг характеристика берилган. Справочник орқали сиз ўлкамиз халқлари, йирик шаҳарлари, экономикаси ва юксалиш йўллари билан танишиб оласиз.

Аҳолисининг кўплиги жиҳатидан мамлакатимиз ҳозир жаҳонда учинчи ўринни эгаллаб турибди.

КПСС XXIV съезди директивларида миллий даромадни 37—40 процент ўстириш кўзда тутилган. Бу беш йилликда саноат маҳсулотни ишлаб чиқариш 42—46 процент, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш йилига ўрта ҳисобда 20—22 процент ўсади. Совет кишилари учун беш йил мобайнида 565—575 миллион квадрат метр уй-жой қуриб берилади. Справочникда яна бошқа муҳим рақамларни ҳам келтирилган.

Китобчани ўқиб Европа, Осиё, Африка, Америка, Австралия каби мамлакатлар ҳақида ҳам қизиқарли маълумотларга эга бўласиз.

АЛОҚА БЎЛИМИ

Меҳнаткашларнинг талабини ҳисобга олиб Оққўрғонда яна битта алоқа бўлими очилди.

Алоқа бўлими район марказидаги Фурқат, Ҳамза, Собир Раҳимов, Ворошилов, Усмон Юсупов, Султон Сегизбоев, Охунбобоев, Учительская, Ленин кўчаларида истиқомат қилаётган хонадонларга ва шу кўчаларга жойлашган бир қанча ташкилотларга хизмат қилади.

М. КАНЗАФАРОВ.

КАФЕДРАЛАР ҲАМКОРЛИГИДА

Педагогика фани қатор билимлар билан узвий боғланган. Кейинги йилларда педагогика психологиясини тадқиқ этишга эътибор кучайди. Бу масалани ҳал этишда Тошкент Давлат университетининг «Педагогика ва педагогик психология» кафедраси ҳам ҳисса қўшмоқда.

Кафедра олимларининг кузатишлари бирин-кетин яхши натижалар берди. Педагогик психологиянинг дидактик томонлари ҳам тадқиқ этишга киришилди.

Спорт

ТОШКЕНТ ЧАВАНДОЗЛАРИ ҒОЛИБ

Андижон шаҳрида Ўзбекистон чавандозларининг шахсий команда чемпионати ўтказилди. Бу мусобақа Ўзбекистон XVI спартакиадаси программаси доирасида бўлди.

Ўзбекистон пойтахти чавандозлари команда ҳисобида ютиб чиқишди. Улар 284 очко билан биринчи ўринни олдилар. Иккинчи ўрин Тошкент области вакилларига тегди. Улар 177 очко жамлашди. Мусобақаларда биринчи марта саккиз киши СССР спорт мастери нормасини бажарди. Улар орасида тошкентлик Юрий Ковшов, Анорхон Насимова, Виктор Бачурин ва областимиз вакили Элдор Бучковлар бор.

НИШОННИ АНИҚ ОЛГАНЛАР

Тўрт кун мобайнида стендга отиш бўйича республика шахсий-команда чемпионати давом этди. Катталар ўртасида Тошкент шаҳрининг биринчи командаси нишонни аниқ олиб ғолиб бўлди. Бу команда мерганлари 1500 имкониятдан 961 очкони урдилар. Тошкентнинг иккинчи коллективи 817 очко жамлади. Улар иккинчи ўринни олдилар. Учинчи мукофотли ўрин эса Андижон спортчиларига тегди.

Ўсмирлар мусобақасида ҳам Тошкент мерганлари ютиб чиқишди. Шахсий ҳисобга республика чемпиони номини пойтахтлик Юрий Бабюк (траншея стендида) ва Анатолий Неред (доира стендида) олдилар. Тошкентлик ёш мерган Рустам Янбулатов учун бу мусобақа катта қувонч келтирди. У биринчи марта СССР спорт мастери нормасини бажарди. Ҳамшаҳримиз траншея стендида 200 имкониятдан 192 очкони уриб ғолиб бўлди. Доира стендида ёшлар ўртасида Юрий Гришин биринчиликни эгаллади.

Спартакнаданинг баскетбол ва волейбол бўйича мусобақалари ҳам старт олиш арафасида турибди. 9 июнь куни аёл баскетболчилар Тошкентда, эркаклар командалари Наманганда учрашувларни бошлайдилар. Волейболчилар эса Чирчиқ ва Қўқон шаҳарларида куч синашадилар.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

СССР ёшлар терма командаси футболчилари Италиядаги Европа норасмий чемпионатида иккинчи ғалабани қўлга киритдилар. Улар бу сафар Дания командаси устидан 1:0 ҳисобида ғолиб чиқдилар. Совет ёшлари билан бир группада мусобақалашётган болгарияликлар ҳам икки учрашувни ютдилар.

Африка ва Европа бўйлаб сафарга чиққан жаҳон чемпиони— Бразилия терма командаси сафардаги биринчи ўйинни Жазоирда ўтказиб, бу мамлакат терма командасини 2:0 ҳисобида енгди.

СУРАТДА: «Локомотив» жамиятининг тренери Игорь Солуянов билан «Пахтакор» кўнгилли қишлоқ спорт жамиятининг камалак-ёй отиш бўйича тренери Рафаэль Мамашев отиш натижаларини текширмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

ИЧКИЛИК-ЖИНОЯТ ҲАМРОҲИ

Фаровон турмушимиз, гўзал ҳаётимизга бир назар ташланг. Нақадар сермазмун ва гаштли. Хонадонимизда, юртимизда тўкин-сочинлик. Шаҳримиз гўзал ва сержилва. Ҳа, қайси томонга боқманг, кўнгилочар ҳиёбонлар, маданий-оқартув муассасалар, кинотеатру, булбул макон боғ-роғлар бизнинг ихтиёримизда. Ҳа, партия ва ҳукуматимиз халқимизни фаровон ҳаётининг истиқболли равнақи йўлида доимо оталарча ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Тўғри, бу ғамхўрликни ҳар қадамда, ҳар бир дақиқада ҳис этиб шунга жавобан меҳнат қилаётган соф виждонли, ахлоқан покиза, кишилар, меҳнатда, ижодда намуна кўрсатиб, эл бойлигига-бойлик қўшяпти Ёшларимиз оталарнинг ишининг давомчиси сифатида станок ёнида туриб, қурилиш объектларида, пахта майдонларида бўлиб, жасорат кўрсатмоқдалар. Улар бараклаи меҳнатдан кейин ўз вақтларини оила ўртасида, дўстлар даврасида, ширин суҳбат билан ўтказишади, ҳиёбонларда кўнгил очишади.

Лекин шоли қурмаксиз бўлмаганидек, орамизда ҳамон, на ўзига, на жамиятга фойда келтирадиган, дам олиб, кўнгил очишни фақатгина ичкиликда деб биладиган кишилар оз бўлса ҳам учраб турибди. Улар, ичкиликка муккасидан кетиб ўз ҳаётларига саломатликка путур етказишмоқда, оилаларнинг нотинч яшашига сабабчи бўлмоқдалар. Айрим ҳоллларда бугунги гўзал ҳаётимизга доғ тушираётган, оилаларимиз тинчлигини бузаётган бундай шахслар ҳар қадамда жамоат нафратига учрамоқда.

Ҳозирги кунда районимиздаги ҳамма ташкилот ва корхоналардан, маҳалла ва турар жой массивларида жамоат тартибидан кўз-қулоқ бўлиб турувчи кўнгилли халқ дружиналари, ўртоқлик судлари ва жамоат вакиллари ишлаб турибди. Улар ўз коллективларида, маҳаллаларда, онда-сонда учраб турган тартиб бузар шахсларга нисбатан муросасизлик билан тегишли чоралар кўришяпти. Уларнинг ахлоқини муҳокама қилиб, ҳаётдан ўз ўринларини топиб олишда ёрдам беришмоқда.

Райондаги Шумилов маҳалласида олиб борилаётган ишлар айниқса мақтовга лойиқ. Маҳалла активлари ташаббуси билан тез-тез лекция ва суҳбатлар ўтказиб турилади. Яқинда ўтказилган ёшлар кечаси таълим-тарбияни кучайтиришга қаратилди. Кеча якунида маҳаллада бирорта ҳам жамоат тартиби ва қонун бузилишига йўл қўймасликка онд қарор қабул қилинди. Жамоат тартибини назорат қилиб туриш учун уч кишидан иборат комиссия ташкил этилди. Бу комиссия вақти-вақти билан жамоат тартибини қўриқлаш юзасидан чиқарилган қарорнинг бажарилиши ҳақида маҳалла комитети олдида ҳисоб бериб туради. Бу тадбирлар маҳаллада жамоат тартибини мустаҳкамлаш ва ёшлар ўртасида таълим-тарбия ишларини жонлантиришда ижобий натижалар кўрсатмоқда.

Афсуски, айрим маҳалла ёки турар жой массивларида жамоатчилик бу масалага яхши эътибор беришмаяпти. Бундан фойдаланган айрим ичкиликбоз шахслар жамоат тартибини бузиб, айрим ҳолларда жиноят йўлига кириб боришаяпти.

Масалан, биргина мисолни келтириш мумкин. 2-Қорақамиш массиви, 1-микрорайондаги 27-уйда яшовчи Шаврин Николай Федоровичнинг тоғни урса талқон қиладиган савлати бор. У бир неча йилдан бери ҳеч қаерда ишламай, доимо оиласи ҳисобига спиртлиқ ичимлик ичиб, қўни-қўшнилар тинчлигини бузиб келган. Вояга етмаган ўғли Юрийни ҳам шу ичкилик кўчасига етаклашдан тоймади. Шу йил март ойида Шаврин навбатдаги ичкилик базмини давом эттириб, ўғли Юрийни магазинга винога чиқаради. Юрий маст ҳолда магазиндан уч бутилка вино олиб келаётганда, милиция ходимлари уни ушлашади. Шаврин Николай Федорович бу воқеа учун, милиция ходимларидан узр сўраш ўрнига уларни ҳақоратлаб, ҳатто қўл кўтаради. Дарвоқе, маст кишидан ақл-андиша, шафқат ва ҳаё узоқлашади. Инсонийликни ана шу ноёб фазилатларидан маҳрум бўлган Шаврин ҳозир ана шу қилмиши учун ўз жазосини тортмоқда.

Шу ўринда Шаврин ишлаган 36- уй-жой конторасн ва у яшаган жойдаги жамоатчиликнинг эътибори қаерда эди, деган савол туғилади. ЖЭК раҳбарлари Шаврининг бир неча йилдан буён ишламай ичкиликка берилиб кетганлигини билишар эди-ку!? Нима учун бу ташкилот раҳбарлари ўз вақтида чора кўришмади. Шаврининг хулқ-атворини муҳокама қилиб, уни тўғри йўлга солиб юборишга эътибор берилмади.

Тўрт набирасининг бобоси Ғафур Алимовни олинг. У киши Калинин мавзуи, 1-Қорасарой кўчасида яшайди. Ўзи омборхона қоровули. Оладиган даромади ҳам маълум. Лекин шунга қарамай, ичкиликка ҳуруж қилган. Қариган чоғида фарзандларига оталик меҳри, одоби, юриш-туриши билан ўрнак бўлиш ўрнига, уларнинг нафратини қўзғаяпти. Хонадон дастурхонига файз киритиш ўрнига, баракасини кўтаряпти. Айрим ёшларни ножўя ҳаракатдан тўхтатиб, унга панд-насиҳат қилиш ўрнига ўз оиласи, хотини ва болалари тинчлигини бузяпти. Ғофур Алимовнинг бу юриш-туриши ва ахлоқидан маҳалланинг катта-кичиги яхши хабардор. Лекин, негадир маҳалла жамоатчилиги Алимовни тартибга чақириш, унга жамоатчилик таъсирини ўтказиш кераклиги ҳақида ўйлаб ғўришгани йўқ.

Халқимизда кўпчиликдан қуён қочиб қутилмас, деган ҳикматли нақл бор. Шундай экан, жамоатчилик орамизда учраб турадиган айрим безори, ичкиликбоз шахсларга нисбатан ўз вақтида танбеҳ бериб, кўпчилик нафратига рўпара қилинса, орамизда бундай шахсларга ўрин қолмайди.

А. МУҲАММАДАЛИЕВ,
С. Раҳимов район прокурори.

Студентлар аҳди

Серқуёш республикамиз ёшларига қарата «Тошкентни янада обод ва кўкаламзор қилайлик» чақириғи билан чиққан Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети студентлари қурилиш отрядининг бош штабида иш қизғин.

Штабнинг шинам хонасини Олтой ўлкаси Шипуновский район комсомоллари ТошДУ студент қурувчи ёшларига топширган эсдалик байроғи безатиб турибди. Ўтган йили бу жанговар отряд Тахиатош гидроузели, Олтой ўлкаси, «Главташкентстрой» қурилишларида шижоат кўрсатиб, фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланган эди.

Қалби олов ёшларнинг бу йилги режалари ҳам катта. Бу ҳақда университет қурилиш отряди бош штабининг командири Равил Абдуқодиров қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Университетимиз қурилиш отряди «Наука-73» студентларнинг меҳнат семестрини кўнгилдагидек ўтказишга аҳд қилди. Бу йил ҳам қизғин меҳнат қучоғида бўламиз. Студентларимиздан 1100 киши Приморье ва Олтой ўлкаларига, Тахиатош гидроузели қурилишига, Қарши чўлига, Бухородаги завод қурилишларига отланмоқдалар. Алим Исмоилов, Аҳмат Калкешев, Гелий Согонов каби группа командирлари ўз шоввоз йигитлари билан биринчилар қатори жўнашга шай бўлиб туришибди.

З. ТУЛАГАНОВА.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.25 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.40 — Хатолар оролн». Болалар учун мульт. фильм. 19.05 — «Юлдузча». Телевизион журнал (ўзбек тилида), 19.40 — «Ахборот» информацион программаси.

Ўзбек тилида: 19.55 — «Сайловдан-сайловгача», 20.20 — Ўн минут музика. 20.30 — «Ахборот» информацион программаси, 20.50 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Шиоримиз — маҳорат ва изланиш». Андижондан олиб кўрсатилади.

22.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 22.30 — Рангли телевидение. «Чашма», Халқ ашула ва рақс ансамбларининг телевизион конкурси (такрорий кўрсатув).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

10.25 — Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 10.30 — Болалар учун мультфильм 10.40 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Она шаҳрим — Тошкентим», 11.10 — «Аловуддиннинг сеҳрли лампаси». Бадиий фильм.

12.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

22.00 — «Диққат газ». Реклама, 22.10 — «Жанговар атеизм» (ўзбек тилида).

22.30 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

19.00 — Тошкент янгиликлари.

Ўзбек тилида: 19.15 — «Қасос». Бадиий фильмнинг 2-серияси, 20.15 — «Алоқачилар хизматингизда». Телевизион фильм.

Рус тилида: 20.35 — «Мстислав Ростропович». Фильм-концерт, 20.55 — «Шон-шараф». Телевизион спектакль.

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/VI да Золушка.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Қонун қонунлигича — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Чунки улар бир-бирларини севадилар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА», (кундуз ва кечқурун).

Пойгачилар — «ЧАЙКА» (кундуз соат 1.30, 5, кеч соат 8.30 минутда), «МОСКВА» (кундуз соат 3, кеч соат 7 да), «ВОСТОК» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Сервиқор оилалар — (эрталаб соат 10, 11.40, кеч соат 9.20 минутда).

Дайди (кундуз соат 1.30, 4, кеч соат 6.30 минутда) — НАВОИ номли.

Ёз уйқулари; Музикали воқеалар — «ДРУЖБА» (эрталаб соат 11, кундуз соат 2, 5, кеч соат 7.40 минутда).

Сакраш ҳуқуқи — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Хотинимнинг номуси — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Мўлжалга ур, Асунта! — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Инсон ёлғиз эмас — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Аёллар ўйиндан ташқари ҳолатда — «СПУТНИК» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Текшириш менга топширилган — «МОСКВА» (эрталаб соат 11.30, кундуз соат 1, 5, кеч соат 9 да).

ЕЗГИ БИНОДА

Пойгачилар (кеч соат 8.50 минутда); Сакраш ҳуқуқи (кеч соат 10.30 минутда) — «ФЕСТИВАЛЬ».

Инсон ёлғиз эмас — «ХЕВА».

Адрес: Ер планетаси — КИРОВ номли.

Ёз уйқулари; Музикали воқеалар — ДЕЛЬМАН номли.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ КОМЕДИЯ (ОПЕРЕТТА) ТЕАТРИГА

17 ёшдан 35 гача бўлган Хор артистлари — хотинлар (алвт, сопрано), эркаклар (тенор, баритон)

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

№ ИНДЕКС 64697.
Р. 02498. В—1748.